



O'ZBEKISTON
RESPUBLIKASI
MILLIY KIVOP PALATASI

Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2010 йил 11 март, № 48 (4963)

Пайшанба

Ўзбекистон —
Келажак
Буюк
Давлат

БАРКАМОЛ АВЛОД — СОҒЛОМ КЕЛАЖАК

Президент Ислам Каримов раислигида 10 март куни Оқсаройда Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси Ҳомийлик кенгашининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.



Давлатимиз раҳбари Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 2009 йилдаги фаолиятини аҳолига таҳлил этиш ва гадаги вазифаларни белгилаб олиш лозимлигини таъкидлади.

Баркамол авлод ораси — энг буюк оруз. Ўзбекистоннинг келажаги буюк эканига қатъий ишонч билан яшаётган халқимизнинг ораси бу. Президентимиз таъкидлаганидек, ниманики ўз олдимизга мақсад қилиб қўймайлик, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, барча олижаноб ҳаракатларимизнинг негизда, барча эзгу ниятларимизнинг замирида фарзандларимизни ҳам жисмонан, ҳам маънавий жиҳатдан соғлом қилиб ўстириш, уларнинг бахту саодати, фаровон келажакни қўриш, дунёда ҳеч қандай кам бўлмайдиган авлодни тарбиялаш ораси муҳимдир.

Мустақиллик йилларида эзгу мақсадларимизни рўйбга чиқариш борасида улкан ишлар амалга оширилди. Улуғсиз таълимнинг "Ўзбек модели" сифатида эътибор этилган ва бугун ўз самарасини бераётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ўз вақтида узоқни кўзлаб бошлаган оламшумул ишларимизнинг асоси бўлиб хизмат қилмоқда.

Баркамол авлод деганда, аввало, соғлом насли тушунаемиз. Шу боис ўтган йиллар мобайнида ёшларимизда нафақат юксак интеллеktуал соҳада, мустақил фикр, кенг дунёқараш шакллантиришга, балки уларни жисмонан чинқитиришга, оммавий спортни ривожлантиришга, мамлакатимизнинг барча ҳудудларида, хусусан, чекка қишлоқларида ҳам замонавий спорт мажмуалари бунёд этишга алоҳида эътибор қаратилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2002 йил 24 октябрдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармасини тузиш тўғрисида"ги ва 2004 йил 29 августдаги "Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси фаолиятини тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармонлари бу борада муҳим дастурий-амал бўлаётди.

Ислам Каримов, аввало, ушбу

жамғарманинг мазмун-моҳиятига тўхталиб, дунёнинг ҳеч бир мамлакатда бундай ташкилот йўқлигини таъкидлади. Дарҳақиқат, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси ўта ноёб тузилма бўлиб, айна пайтда қатор мамлакатлар уни қимматли тажриба сифатида ўрганмоқда.

Мажлисида спорт иншоотлари барпо этиш, мактабларда спорт заллари қўриш, уларни таъмирлаш, жиҳозлаш билан боғлиқ ишлар илҳом қилиб олиш, қандай буюк ишларни амалга оширишга интилайлик, Президент Ислам Каримов болалар спортини ривожлантиришнинг бошқа жиҳатларига эътибор қаратди.

Спорт ёш авлодга соғ-саломат, бардам-бақувват, ҳурфир инсон бўлиб этиши учун ёрдам беради, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт оилада, жамиятда соғлом муҳит қарор топиши учун ўзига хос замин бўлиб хизмат қилади. Спорт Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрўини янада ошириш, нуфузини янада юксалтириш учун имконият яратяди.

Ҳомийлик кенгашининг 2009 йил 16 январда бўлиб ўтган йиғилишида юртимизда ишлаб чиқарилаётган спорт жиҳозларининг сифат кўрсаткичларини баҳолайдиган ягона тизим яратилиш, спорт анжумалари ишлаб чиқаришга ихтисослашган корхоналар сонини кўпайтириш, мактаб спорт залларини жиҳозлаш нормативларини қайтадан қўриб чиқиш, спорт иншоотларини жаҳон андозларига мос равишда жиҳозлаш ва улардан самарали фойдаланиш, қизларни спортга кенг жалб этишда миллий менталитетимизнинг ўзига хос жиҳатларини инобатга олиш вазифалари белгиланган эди.

Йиғилишда ушбу вазифаларнинг ижроси аҳолига таҳлил қилинди. — Юртимизда 2010 йилни Баркамол авлод йили деб эълон қилар эканмиз, фарзандларимизнинг замон талабларига тўлиқ жавоб берадиган баркамол инсон бўлиб вояга етиши учун зарур барча имконият ва шароитни яратилиши ўз олдимизга мақсад қилиб қўйганмиз, — деди Президент. — Амалга ошираётган барча ишларимиз асосида ана шу мақсад-муд-

дао муҳимдир. Спорт иншоотлари фарзандларимизни спортга кенг жалб этиш, уларни соғлом ўстиришга хизмат қилмоқда.

"Баркамол авлод йили" Давлат дастурида жиҳознинг тарбия ва спорт соҳасидаги улкан ишларни илҳом қилиб берди, айниқса, болалар спортини янада ривожлантириш, шаҳар ва қишлоқларимизда давр талабига жавоб берадиган спорт мажмуалари ва стадионлар бунёд этиш, уларни замонавий спорт анжумалари, юқори малакали спорт устозлари ва мураббийлар билан таъминлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Мазкур дастур ва унда белгиланган вазифалар соғлом турмуш тарзини шакллантириш, аҳолининг табиий маданиятини юксалтириш, оммавий спортни, айниқса, болалар спортини ривожлантириш борасидаги ишлар кўламини янада кенгайтирди.

Муҳим жиҳати шундаки, ёш авлодда спортга иштиёқ орта боргани сари юксак марраларга интилиш куч қояди. Мусобақадан галаба билан қайтган спортчини кўрган ҳар бир ўғил-қиз у билан фахрланади, унга ҳаваси келади ва айна пайтда шундай муваффақиятга эришишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. — Спорт ёшларни турли иллатлардан қайтармади, ҳал қилувчи аҳамиятидаги мулк энг яхши воситалардан бирidir, — деди Ислам Каримов. — Спорт билан шуғулланган йиғит-қизларнинг саломатлиги яхши, фикри тиник бўлади, улар оилада соғлом турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради.

Президентимизнинг 2007 йил 12 декабрда қабул қилинган "2008 йилда Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси бюджетини ва болалар спорт объекти қурилишининг аниқ манзилли дастурини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ, 2008 — 2009 йилда қўриб битказилган спорт иншоотлари ва мактаб спорт заллари учун зарур спорт жиҳозлари рўйхати ишлаб чиқилди. Барча спорт иншоотлари зарур спорт анжумалари билан жиҳозланди. 2009 йилда қўриб битказилган спорт иншоотларининг 174 тасини мактаб спорт заллари таш-

кил этади. Умуман эса, Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси тузилгандан кейин ўтган даврда, яъни 2003 — 2009 йиллар мобайнида 674 мактабда спорт зали барпо этилди. Бу даврда 178 та алоҳида болалар спорт иншооти қўриб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда спорт иншоотлари қўриш бўйича катта тажриба тўпланди, — деди Президент. — Ҳаётнинг ўзи амалга оширган ишларимиз натижасини кўрсатиб турибди. Аммо ана шу иншоотлардан қай даражада самарали фойдаланяптимиз? Бу масалалар доимий эътиборимизда бўлмоғи лозим.

Дарҳақиқат, 2003 — 2009 йилларда мамлакатимизда 1123 та спорт мажмуаси бунёд этилган бўлса, уларнинг 922 таси қишлоқ жойларда қад ростлади. Ушбу иншоотларни замонавий спорт анжумалари билан таъминлаш муҳим масала ҳисобланади. Давлатимиз раҳбари шу хусусда сўз юритар экан, спорт жиҳозлари ишлаб чиқарадиган корхоналарни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш лозимлигини таъкидлади.

Сўнгги йилларда бу борада амалга оширилаётган ишлар ўз самарасини бермоқда. Бундан беш йил илгари маҳаллий корхоналаримизда болалар спорт иншоотлари учун зарур 120 хил анжуманин 73 тури тайёрланган бўлса, бугунга келиб 113 хилдаги спорт жиҳозлари ишлаб чиқарилаётган. Замонавий корхоналаримизда болалар учун сифатли спорт жиҳозлари ишлаб чиқариш имкониятлари чуккур ўрганилиб, спорт иншоотлари учун тавсия этиладиган энг қўлай ва мақбул жиҳозлар каталоги яратилди.

Мамлакатимизда футбол, бадий гимнастика, каноз ва байдаркада эшак эшиш, бокс, эркин ва юнон-рум кураши сингари спорт турлари илҳом қилиб берди. 2003 йилда болалар секция ва клубларда спортнинг 8 тури билан шуғулланган бўлса, эндиликда замонавий спорт мажмуаларининг жиҳозланиш даражаси спортнинг йигирмадан зиёд тури билан мунтазам шуғулланиш имконини бермоқда.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг узвий ва муҳим бўлаги ҳисобланган уч босқичли спорт тизими — "Умид ниҳоллари", "Баркамол авлод" ва "Универсиада" мусобақалари халқаро майдонларда Ўзбекистон байрогини баланд кўтарадиган, юрт шаъни, халқ гурури учун курашадиган фидойи спортчиларни тарбиялашда мактаб вазифасини ўтамоқда.

Президент Ислам Каримов "Ўзбекистон — келажак буюк давлат" деган шior негизига ҳам спорт, жумладан, болалар спортини тушуначаси муҳим эканини таъкидлади.

— Албатта, табиий бойликлар, иқтисодий соҳада, давлат ва жамият қурилиши йўлидаги ютуқлар буюк келажакнинг асоси ҳисобланади, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Шу билан бирга, буюк келажакнинг бир омили борки — бу ёш авлоднинг саломатлиги, жисмонан ва маънан етук инсон бўлиб етишишидир.

2009 йилнинг сентябрь ойида Италиянинг Милан шаҳрида бокс бўйича ўтказилган XV жаҳон чемпионатида — 133 давлатдан 554 нафар боксчи иштирок этган мурасоси мусобақаларда ўзбекистонлик чарм қўлоқ усталари битта олтин, битта кумуш, иккита бронза медални қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида учинчи ўринни эгаллади. Машҳур боксчиси Аббос Атоев иккинчи бор жаҳон чемпиони деган шарафли номга сазовор бўлди.

Футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасининг Мисрда бўлиб ўтган жаҳон чемпионатида иштирок этгани, эркин ва юнон-рум кураши бўйича Данияда ўтган жаҳон чемпионатидан вакилларимиз бир олтин, бир кумуш ва бир бронза медал билан қайтгани, каноз ва

байдаркада эшак эшиш бўйича Техронда ўтган Осиё чемпионатида юртдошларимиз 9 олтин, 10 кумуш, 8 бронза медални қўлга киритгани алоҳида эътиборга лойиқдир.

Фарзандларимизнинг ҳар томонлама соғлом бўлиб улғайишида жойларда ташкил этилаётган турли спорт мусобақалари ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Таҳлиллар ва эришилган натижалар шуни кўрсатадики, ёшларимиз орасида футбол, мини-футбол, теннис, сузиш, байдарка ва канозда эшак эшиш, академик эшак эшиш, шахмат, бадий гимнастика, кураш, белбоғли кураш, юнон-рум кураши, бокс, акробатика сингари спорт турларига қизиқиш тобора ортмоқда.

— Ўтган йиллар мобайнида "Соғлом она — соғлом бола" ғоясини ўздада муҳим ҳисоблаган давлатимиз кенг қўламли чора-тадбирлар ишлаб чиқилиб, ҳаётга жорий этилди, — деди давлатимиз раҳбари. — Замонавий табиий усунлар билан жиҳозланган диагностика, скрининг ва перинатал марказлари, янги туғуруқхоналар барпо этганимиз, оналар ва болалар саломатлигини ҳимоялашга алоҳида эътибор қаратаётганимиз ва бу борадаги ишларни илҳом қилиб берди. — Давлатимиз замирида бир мақсад — соғлом авлодни тарбиялаш мақсади муҳимдир. Соғлом она — соғлом бола, соғлом бола — соғлом келажак, демакдир.

Президентимиз қизларни спортга жалб этиш масаласи алоҳида ёндашуви талаб этишини таъкидлади. Шу маънода, кейинги йилларда спортнинг нафис тури ҳисобланган бадий гимнастика ва спорт гимнастикаси жадал ривожланмоқда.

Жорий йил февраль ойида Тошкентда бўлиб ўтган бадий гимнастика бўйича Осиё чемпионати ва гимнастикачи қизларимиз эришган юксак натижалар бу спорт турига эътибор ва қизиқиш мамлакатимизда муттасил ошаётганидан далолатдир.

Юртбошимиз болалар спортини ривожлантириш, қизларнинг спорт билан шуғулланиши учун, айниқса, қишлоқларда тегишли шарт-шароит яратиш масаласи алоҳида эътибор қаратишни тақозо этишини таъкидлади.

Йиғилишда Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва уларнинг фаолиятини янада яхшилаш бўйича 2009 — 2014 йилларга мўлжалланган Давлат дастури доирасида жорий йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар ҳам қўриб чиқилди. Таъкидланганидек, 2010 йилда 11 янги спорт иншооти ва 14 болалар мусиқа ва санъат мактаби барпо этилади, 40 мактабда спорт зали қурилади.

Президент Ислам Каримов жорий йилда мусиқа ва санъат мактабларини барпо этиш, реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш мақсадлари учун 36 миллиард сўм ажратилишини алоҳида таъкидлаб, давлат томонидан ёш авлод тарбиясига қаратилган эътибор туфайли болалар спортини ва санъат комплекс тарзда ривожланиб бораётганини қайд этди.

— Спорт билан мусиқа чамбарчас боғлиқдир, — деди мамлакатимиз раҳбари. — Спорт танани пиштади, чинқитиради, иродани мустаҳкамлайди, мусиқа — кўнглини поклайди, руҳни тетиклаштиради. Спорт — бу маданият демакдир. Спортчи мусиқани яхши билса, мусиқачи спорт билан шуғулланса, нақадар яхши.

Қўрилган масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосарлари А. Орипов, Б. Ҳўжаев, шунингдек, айрим вилоятлар ҳокимларининг ахбороти тингланди.

Йиғилишда қўрилган масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎЗА мухбири.

Сарвар ЎРМОНОВ олган сурат.

МАМЛАКАТ Бўйлаб

Воқеалар,
янгиликлар, хабарлар

АНДИЖОН. Шахрихон туманида автомобиллар учун ҳаво ва ёнилги филтратлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "SDK GROUP AND" корхонасининг иш бошлаганига ҳали кўп вақт бўлгани йўқ.

Импортга ҳожат қолмади

Шунга қарамай, корхона жамоаси ўтган бир ой давомида дастлабки 70 миллион сўмлик маҳсулотни харидорлар эътиборига ҳавола этди.

Айтиш лозимки, шу пайтга қадар асақалик автомобилсозлар ушбу эҳтиёт қисмларни валюта эвазига хориждан келтиришар эди. Маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилган мазкур лойиҳанинг рўйбга чиқарилиши натижасида 50 киши доимий иш жойига эга бўлди.

"SDK GROUP AND" тўла қувват билан ишлаб бошлаган, бу ерда меҳнат қилаётганлар сони 250 нафарга етди.

О. ШОДМАНИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Инвестиция — Ютуқлар гарови

СИРДАРЁ. "Ўфармасановат" ДАК томонидан 205 минг АҚШ долларлики инвестиция қиритилиши ҳисобига Гулистон шаҳридаги "Амалий медреса" масъулияти чекланган жамиятига пахта чқиндишини қайта ишлаш имконияти юзага келди.

Хорижий замонавий технологиялар ёрдамида бу ерда ҳар ойда 2 миллион донагача табиий боғлама материаллари тайёрланиб, соғлиқни сақлаш муассасаларига етказиб берилмоқда.

Ш. ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллий хом ашёдан тайёр маҳсулот

ХОРАЗМ. Урганч шаҳрида уй-рўзгор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган "Диана-Восток" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Ҳозир бу ерда маҳаллий хом ашёдан сифатли мебеллар, стол-стулар, дераза ҳамда эшиклар тайёрланмоқда.

Корхона жамоаси томонидан жорий йилнинг февраль ойида замонавий технологиялар ёрдамида 15 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилганлиги эътиборга олиқдир.

О. РАҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ШҲТ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

Ўзбекистон ташқи сийосатининг энг муҳим вазифаларидан бири мамлакатнинг барқарорлиги, жадал тараққиёти ва миллий ҳавфсизлигини, унинг жаҳон ҳўжяли алоқаларига киришувини таъминлашга имкон берувчи давлатларaro ташкилотларнинг тузилишига устувор аҳамият қаратган ҳолда, халқaro ташкилотлар ишида фаол иштирок этишдан иборатдир.

Ана шундай тузилмалардан бири Шанхай Ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) саналади. Бу доимий фаолият юритувчи ҳукуматларaro халқaro ташкилот бўлиб, 2001 йил 15 июнда Шанхай шаҳрида (ХХР) имзоланган ШҲТни ташкил этиш тўғрисидаги декларация асосида вужудга келган.

Ўзбекистон Республикаси, Қозоғистон Республикаси, Хитой Халқ Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Россия Федерацияси ва Тожикистон Республикаси ШҲТга аъзо давлатлар ҳисобланади.

Биз ва дунё

лар бўйича ҳамкор давлатлар саналади.

ШҲТга аъзо давлатлар раҳбарларининг 2002 йил июнь ойида Санкт-Петербург шаҳрида бўлиб ўтган учрашувида Шанхай Ҳамкорлик ташкилотининг Хартияси имзоланди (2003 йил 19 сентябрда

кўчга кирган). Бу базавий хусусиятга эга бўлган низомий ҳўжжат Ташкилотнинг мақсад ва тамойилларини, унинг тузилиши ҳамда фаолиятининг асосий йўналишларини белгилайди.

ШҲТ фаолияти доирасида иқтисодий йўналиш учинчи аъзолари томонидан кенг қўллаб-қувватланди. 2003 йил сентябрь ойида ШҲТга аъзо давлатлар ҳукумат раҳбарлари 20 йилга мўлжалланган Кўп томонлама савдо-иқтисодий ҳамкорлик дастурини имзолашди. Узоқ муддатли мақсад сифатида ШҲТ маконида эркин савдо ҳудудини ташкил этиш, қисқа муддатли истиқболга — савдо ва инвестиция соҳасида қўлай шароит яратиш жарафини фаоллаштириш масаласи қўйилди.

(Давоми 2-бетда).

Бир рақам шарҳи

2007-2010 йилларда санъат ва мусиқа соҳасида дунёнинг йирик маданий марказларида бўлиб ўтган кўрик-танловларда голибликка эришган ўзбекистонлик ёшларнинг

153 нафари истеъдодли қизларимиздир.

Бу — мустақил ривожланиш даврида юртимизда хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни ва нуфузини юксалтириш, ҳақ-ҳуқуқлари, қонуний манфаатларини таъминлаш, қобилият ва имкониятларини юзага чиқариш йўлида нақадар улкан ишлар амалга оширилаётганлигининг ёркин исботидир.

(Давоми 2-бетда).

ҚЎШНИЛАРГА ЗАРАР КЕЛТИРМАСЛИК КЕРАК

Марказий Осиё мамлакатларининг хавфсизлиги ва равнақи ҳамма нарсдан устундир.

Ўзбекистон барча давлатлар тараққиёти ва фаровонлиги тарафдоридир, хусусан, Марказий Осиё республикалари ўз манфаатлари йўлида гидроминшоотлар барпо этишларига ҳам қарши эмас. Шунинг ҳам айтиб ўтиш керакки, расмий Тошкент қўшни республикаларда халқaro экспертизадан ўтказилган гидрэнергетик объекларнинг қурилишида ва ривожлантирилишида Ўзбекистон иштирок этишга тайёрлигини бир неча бор таъкидлаб ўтган.

Бундай ёндашув Марказий Осиёнинг барча давлатларида узоқ муддатли барқарорлиқни ва истиқболдаги иқтисодий ўсишни таъминлашга қаратилган, бу мақсадларнинг рўйбга чиқиши, кўп жиҳатдан, ўзаро ҳамкорликка ва минтақадаги барча давлатларнинг миллий манфаатлари эъозланишига боғлиқ. Шу боисдан Роғун ГЭСи қурилиш лойиҳасининг

Муносабат

амалга оширилиши қутилмаган оқибатларга олиб келиши мумкинлиги асосли равишда хавотир уйғотмоқда.

Аммо шунга қарамастан, Тожикистон раҳбарияти тижорат манфаатларини ва ўзига хос сийсий мақсадларни кўзлаб, келиб чи-

диган оқибатларга етарлича аҳамият бермапти ҳамда кўшни мамлакатларнинг бу борадаги ташвишларига лоқайд қарамоқда. Ахир гап шу заминда яшаётган миллионлаб одамлар тақдири ҳақида бормоқда-ку...

Маълумки, 3,6 минг МВт кўчга эга ва тўғонининг баландлиги қарийб 350 метрни ташкил этадиган Роғун ГЭСи қурилиши учун мўлжалланган жой сеисмик жиҳатдан хавфли минтақада жойлашган. Кучи 8-10 баллини ташкил этадиган ер ости силкинишлари мазкур ҳудудда бир неча бор қузатилган. Ер силкиниши оқибатида бундай

(Давоми 2-бетда).

Этибор қилганмиш, миллий матомиз атлас — баҳорга ўхшайди. Унинг камалак тусдаги ранглари кўклар кубийиде кўзни камаштиради. Қизилар келинчақлар атлас қийса борми, атрофини ҳамал насимлари тутиб кетади. Уларнинг байрамога кайфияти бошқаларга ҳам кўчади, шу дамда. Матолар хони — атласдаги сирли жозоба ҳамма замонларда барчани ўзига мафтун этиб келган. Қувонарлиси, миллий кадрият даражаси кўтарилган бу матога хорижликларнинг ҳам қизиқиши ортиб бораётди.

САРМОЯНИНГ ЯРАТУВЧАНЛИК ОМИЛИ

Таъкидлаш керакки, атласга бўлган эҳтиётнинг тўла қондирилиши пиллачилик ривожига, ипакчилик санвати тараққиётига бевосита боғлиқ. Шу боис мамлакатимизда бу соҳага алоҳида этибор қаратиш керак. Натижада мавжуд корхоналар техник ва технологик жиҳатдан қайта модернизация қилиниб, ишлаб чиқариш суръатлари ошиб бораётти. Бунда Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони дастуриламал бўлмоқда.

Кирганлиги боис унумдорлик паст, иш жараёни кўл меҳнатига асосланганди. Ана шундай пайтда Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки томонидан 1 миллиард 146 миллион 500 минг сўм миқдорда инвестиция ажратилиши корхонанинг иқтисодий аҳолини тиклаш, уни жадал ривожлантиришга кенг йўл очди. Унинг негизда масъулияти чекланган жамият шаклидаги "ROYAL SILK" замонавий корхонаси ташкил топди. Сармоя шарофати билан бино, ишлаб чиқариш цехлари, пилла сақлаш омборлари, қозонхона мукамал таъмирдан чиқарилди. Корхонанинг қишлоқ-қировли кўчаларда ҳам буютхона ишлашини таъминлаш мақсадида алоҳида газ қувури тортилди. Корейдан келтирилган, бироқ узок вақтдан буюн фойдаланилмаётган қолган дастгоҳлар ишга туширилди. Қисқача айтганда, корхона юксак унум билан иш-

лайдиган, бозор талаблари даражасида маҳсулот тайёрлайдиган ҳолатга келтирилди.

Ўтган йилнинг ёзи ўрталарига келиб, бу ерда илгор технологиялар-

Жараён

га асосланган қўшимча қувватлар ишга туширилди. Натижада узок танафусдан сўнг кўзни камаштирувчи кумушранг ипак қайтадан жила-лана бошлади.

— Жамоа олдидан яна бир муаммо кўндаланг турарди, — дея ўша кунларни эслади корхона раҳбари Мақсадбек Акбаров. — Бизга билимдон, замонавий технологияларни бошқарадиган, компьютер билан "тиллашадиган" ёш мутахассислар зарур эди. Туманимиздаги бешта касб-хунар коллежи битирувчиларининг юрагига "кўл соддиқ". Истақ ва хоҳишларини

ўргандик. Шу тариқа сафимизга навиқрон авлод вакиллари кириб келди. Ишчилар сони 165 нафарга етди. Жаҳондаги қатор мамлакатларда молиявий-иқтисодий инқироз ҳужм суриб, ишсизлик даражаси ортиб бораётган бир шароитда юртимизда Президентимиз

да этибор қаратилаётди. Бу бевосита эмас. Зотан, Президентимиз таъкидлаганидек, инвестицияларисиз модернизация ҳам, янгилаш ҳам бўлмайди. Шундан келиб чиққан ҳолда, Андижон вилоятида жорий йилда қатор корхоналарни техник ва технологик жиҳатдан янгилаш юзасидан 25 та лойиҳани ўзлаштириш белгиланган. Шу мақсадларга 2,6 миллион АҚШ доллари миқдорда инвестициялар жалб этилиши кўзда тутилмоқда. Шундан тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар 300 минг АҚШ долларини, банк кредитлари ва корхоналарнинг ўз маблағлари 1,5 миллион АҚШ долларини ташкил этиши, айниқса, қувонарлидир.

— Даромадимизнинг бир қисмини истиқболли лойиҳаларга сарфламоқчимиз, — дейди М. Акбаров. — Чўноччи, жорий йилда корхонанинг бўш турган бино ва майдонларида ипак буюшини йўлга қўйиш, замонавий дастгоҳлар ўрнатиб, тўқув цехини ишга туширишни режалаштирганмиш. Бу сайёҳ-харакатларимиз шу ернинг ўзидан шойи матолари ишлаб чиқариш имконини беради ва иш ўринларини яна юзтага кўпайтириш учун шароит туғдиради.

Мамлакатимизда иқтисодиёт тармоқларига инвестиция, жумладан, тўғридан-тўғри хориж инвестицияларини жалб этишга алоҳи-

Одилжон ШОДМОНАЛИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Европада яна қиш

Дунёнинг аксарият минтақаларига аллақачон баҳор кириб келган бўлса-да, Европанинг баъзи давлатларида ҳали-ҳануз қиш ҳукмронлик қилмоқда.



Хусусан, Италиянинг марказий қисмида ҳаво ҳарорати кескин пасайиб, қор аралаш ёмғир ёғди. Шу тўғрисида таълим муассасалари вақтинча ёпиб қўйилган. Франциянинг Ўрта Ер денгизи қирғоқлари эса қалин муз билан қопланди. Кўплаб автомобиль йўлларида ҳаракатланиш қийинлашган. Испанияда бундай об-ҳаво қишлоқ ҳўжалигига жиддий зиён етказиши мумкинлиги айтилмоқда. Сабаби, зайтунзорлар қалин қор билан қопланган.

Гап шундаки, мазкур жамоат транспорти воситасининг ҳаракатланиши учун на рельсининг, на электр симининг ҳолати бор. У ўзига керакли бўлган энергияни ердан олади. Бунинг учун маҳсулус жиҳоз ўрнатилган. Ҳозирча мазкур турдаги поездлар истироҳат боғларида синаб қўрилмоқда. Агарда улар икхобий баҳоланса, фойдаланишга жорий этилади.

Ердан куч оладиган поездлар

Жанубий Кореяда намойиш этилган атроф-муҳитга безарар янги поездлар кўпчилигининг эътиборини тортмоқда.

Гап шундаки, мазкур жамоат транспорти воситасининг ҳаракатланиши учун на рельсининг, на электр симининг ҳолати бор. У ўзига керакли бўлган энергияни ердан олади. Бунинг учун маҳсулус жиҳоз ўрнатилган. Ҳозирча мазкур турдаги поездлар истироҳат боғларида синаб қўрилмоқда. Агарда улар икхобий баҳоланса, фойдаланишга жорий этилади.

Туркияда зилзила

Туркия шарқда яна ер қимирлади, дея хабар тарқатди "Си-эн-эн Турк" телеканали.

Ер силкинishi Элазиг музофотида қўшни бўлган Эрзинжон туманида қайд этилган ва унинг кучи Рихтер шкаласи бўйича 4 баллини ташкил этган. Қурбонлар ва жабранганлар ҳақида маълумот йўқ.

Шу ўринда айтиб ўтиш керак, бундан бир неча кун муқаддам олти балли зилзила Элазиг музофотида юз берганди. Табиий офат тўғрисида бу ерда эллиқдан ортқ одам ҳалок бўлган, қарийб юз киши тан жароҳати олганди.

Энг омадсиз фильм

Лас-Вегасда йилнинг энг омадсиз фильмлари-га топшириладиган "Олтин малина" соврини тақдироти бўлиб ўтди.

Овоз бериш натижалари режиссёр Майкл Бай томонидан суратга олинган "Трансфермерлар — 2" кинокартинаси лойиқ деб топилган. "Энг ёмон актриса" номинациясидаги бош соврин эса "Барчаси Стив ҳақида" фильмидеги талқини учун Сандра Баллокка берилди. Эслайтиб ўтамыз, мазкур маросим ҳар йили



АҚШ киноакадемиясининг "Оскар" мукофотини топшириш маросимидан бир кун олдин ўтказилади.

600 мингта мотоцикл тайёрланади

Япониянинг "Honda Motor" компанияси Ҳиндистонда мотоцикллар ишлаб чиқарувчи яна бир корхона қуришни маълум қилди.

"Nikkei" нашрининг ёзишича, бунга мазкур мамлакатда унинг маҳсулотларига талабнинг ошиб бораётгани сабаб бўлган. Режага кўра, корхонада 2011 йилнинг иккинчи яримдан бошлаб маҳсулот ишлаб чиқарила бошланади ва йилига ўртача 600 минг донга мотоцикл тайёрланади. "Honda Motor" қурилиш ишлари-га 8,9 миллиард иена миқдорда маблағ ажратган.

Антиқа машина

Буюк Британияда турли хил сабзавот маҳсулотларидан антиқа пойга машинаси яратилди.

"ИТАР-ТАСС" ахборот агентлиги хабарига қараганда, автомобилнинг устки қисми сабзидан ишланган бўлиб, у картошка крахмали ёрдамида мустаҳкамланган. Мутахассислар фикрича, ушбу

улов экологик жиҳатдан зарарсиз. У "Формула — 3" русумидаги машиналар пойгасида иштирок этиши кутилмоқда. Автомобилни ясаш учун 200 минг АҚШ доллари сислар асосида, ушбу

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

АСКАРНИНГ ОРЗУСИ — ГЕНЕРАЛ БЎЛИШ

Ўтган йили армияга қақририлиб, муддатли ҳарбий хизматни Сурхондарёдаги ҳарбий қисмлардан бирида намунали ўтган пойтахтлик Абдумутал Эрназаров кўпчилик аскарлар қаторида ақинда уйига — ота-онаси бағрига қайтди.

Шу муносабат билан Тошназар ака хонадониде кўни-қўшни ва яқинлари жамулжам бўлди. Уларнинг бир пайтлар ҳарбий хизматнинг машаққати хусусида бошланган суҳбати айнаи кунда ҳарбий қисм ва муассасаларда аскарлар кў-

муҳит яратилгани ва уларга давлатимиз раҳбари томонидан қатта эътибор ва ғамхўрлик кўрсатилганидан биз, ота-оналар ғоят миннатдоримиз.

Абдумутал хизмат давомида сафдошларига ҳар жиҳатдан ўрнатқ бўлди. Уқув машғулотларида яхши натижа-

Ватан ҳимояси — муқаддас бурч

сантлар учун яратилган замонавий шарт-шароитларга улашиб кетди. Жойларда йигитларни муддатли ҳарбий хизматга жўнатиш ва кўтиб олиш тантанали тарзда ташкил этилаётгани, ўз йигитлик бурчини адо этиб қайтган кўплаб ўқоларнинг барчаси ўқиш ва ишга кириб, ҳаётда муносиб ўрнини топаётгани, армия ёшларимиз учун ҳақиқий мардлик ва матонат, ҳаёт мактабига айлангани таъкидланди.

Дарҳақиқат, Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида Қуроли Кучларимизни ислоҳ қилиш, муддатли ҳарбий хизмат шарт-шароитини янада яхшилаш борасида амалга оширилаётган кенг қўламли ишлар ўзининг юксак самараларини бермоқда.

— Бугун ёшларнинг муддатли ҳарбий хизматни ўташга бўлган қизиқиши ва интилиши тобора ошиб бормоқда, — дейди "Маҳалла" жамғармасининг Сергели тумани бўлими раиси Равшан Бобоев. — Армияда ҳарбий хизматчилар учун замонавий шарт-шароит, соғлом

ларга эришиб, фахрий ёрлик ва "Ижтимоий-сиёсий тайёргарлик аълочиси", "Ҳарбий спортчи" кўрак нишонлари билан тақдирланди. Олий ўқув юртига ўқишга киришда қўшимча балл олиш имконини берадиган тавсияномага эга бўлди.

Армияда ҳар томонлама тобла-ниб, дунёқараши кенгайиб, билими ошган бу йигит келажақда офицер бўлишга аҳд қилган. У шу мақсадда Чирчиқ олий танк кўмондонлик-муҳандислик билим юртига ўқишга киришга тайёргарлигини бошлади. Бунда унга ҳарбий хизмат давомида олган билими ва кўникмалари асқотиши, шубҳасиз.

— Биз, ёшларнинг ўқишимиз, ишлашимиз, спорт билан шуғулланишимиз учун барча шарт-шароит яратилган, — дейди Абдумутал. — Бунга жавобан астойдил ўқиб-изланиш, меҳнат қилиш, мамлакатимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга ҳаракат қилиш бурчимиздир.

Х. САЛИМОВ, ЎЗА мухбири.

Боготлик тadbиркор Ҳамдам Солаев чиқинди қозони қайта ишлайдиган цехни ишга туширди. Бунинг учун тadbиркор банкдан олган кредити ҳисобига хориждан замонавий техно-

Тadbиркорнинг тadbiri

логиялар олиб келиб ўрнатди. Ҳозирда 10 киши меҳнат қилаётган корхонада ойига 20 мил-

лион сўмликка яқин гигиеник қозғоз тайёрланади.

О. ЖУМАНИЕВОВ.

Аҳолининг турмуш фаровонлигини ошириш мақсадида туманимизда бандликни таъминлаш масаласига қатта эътибор қаратилиб, самарали ишлар олиб борилаётти. Мамлакатимиз Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги "Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори бу борада биз учун дастуриламал вазиасини ўтапти.

БАНДЛИК ДАСТУРИ — АМАЛДА

Кичик бизнес ва хусусий тadbиркорликни раванқ топтириш, мавжуд корхоналарда ишлаб чиқаришни кенгайтириш, янги қувватларни ишга солиш эвазига ўтган йили 5499 та янги иш ўрни яратилди. Бу "Бандлик" ҳудудий дастурида кўзда тутилганидан анча кўп. Шу иш ўринларининг 1501 таси янги кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этилгани ҳисобидан яратилгани алоҳида таъкидлаш жоиз. Шу ўринда бир далил. "Лоша" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудиде жойлашган "Леон Кас" масъулияти чекланган жамияти негизиде мева данакларидан мой ишлаб чиқариш цехи ташкил этилди. Натижада ўнта янги иш ўрни юзага келди. Еки бошқа бир мисол. Тadbиркорларнинг шахсий маблағлари ҳисобидан қатор сервис шохобчалари фаолияти йўлга қўйилиб, 57 та янги иш ўрни яратилди.

Марказимизга 2009 йилда 2605 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. Уларнинг 2086 нафари турли корхона ва ташкилотларга жойлаштирилди. 440 нафар фуқаро ҳақ тўланадиган жамоатчилик ишлари-

га юборилди. 95 нафар кишига эса касбий таълим олишга йўланма берилди. Ишга жойлашганларнинг 1267 нафари ёшлар эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Қарор ва ижро

Аҳолини иш билан таъминлашда меҳнат бозори ярмаркалари салмоқли ўрин тутди. Чўноччи, шундай ярмаркалар шарофати билан бултур 1389 нафар фуқаро корхона ва ташкилотларда аниқ иш ўрнига эга бўлди. Касаначилик иш ўринлари яратиш борасида ҳам муйаян тажриба тўпладик. Масалан, 2009 йилда режадаги 362 та ўрнига 378 та шундай иш ўрни барпо этилди. Дейлик, "Бу-хоропахатозалаш" ҳиссадорлик жамиятида 50 та, "Қарвон" Ўзбекистон — Франция уруғчилик қўшма корхонасида 30 та касаначилик иш ўрни юзага келди.

Биз аҳолининг эҳтиёжманд қатламни ижтимоий ҳимоя қилишнинг яна бир самарали усулидан оқилона фойдаланишга интиляеп-

ётган бу фуқаролар номига меҳнат дафтарчалари очилган. Табиийки, меҳнат бозориде рақобат кучли. Лекин ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд фуқаролар борлигидан ҳам кўз юмиб бўлмайди. Давлатимиз бундай фуқаролар манфаатини кўзлаб, квоталанган иш ўринлари барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратаётти. Бултур туманимизда истиқомат қилувчи 275 киши шундай квоталанган иш жойлари эвазига фойдали ижтимоий меҳнат билан банд бўлди. Шуларнинг 78 нафари аёллардир.

Аҳолини иш билан таъминлаш дегаңда, биз, аввало, юрт фаровонлиги, оилаларнинг тинч-осойишталигини тушунамиз, албатта. Бинобарин, зиммаимизда турган масъулиятни ҳис этган ҳолда, аҳоли бандлигини ошириш ишларини бундан кейин ҳам изчил давом эттирамиз.


Анвар ҲАМРОЕВ, Буюк тумани Бандликка кўмаклашувчи марказ директори.

Ислохот

Айниқса, Президентимизнинг 2008 йил 28 ноябрдаги "Иқтисодиётнинг реал сектори корхоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъминлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида"ги Фармони корхона фаолиятини янада ривожлантиришда муҳим омил бўлди. Ушбу Фармон ижроси бўйича мажмуа тизимидаги субъектларда тайёрланаётган маҳсулотларнинг таннархини 20 фоизга камайтириш чора-тадбирлари ишлаб чиқилгач, корхонанинг иқтисодий жиҳатдан барқарор фаолият юритишига имкон яратилди. Энг муҳими,

бўйича ўқитиш ва кадрлар малакасини ошириш руҳсатномасига эга.

Бундан ташқари, яқин йиллар ичида ишга туширилиши мўлжалланган Устюрт газ-кимё мажмуаси учун ҳам корхона базасида Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятидан мутахассис кадрлар ишга қабул қилиниб, уларнинг касбий малакалари оширилмоқда. Келажақда бу мутахассислар янги ишга тушириладиган корхонани ишонч билан бошқаришлари, шубҳасиз, Мажмуада ишловчиларнинг



ФИДОЙИ МЕҲНАТ САМАРАСИ

450 дан ортқ янги иш ўрни очилди.

Мажмуанинг салоҳияти ортиши ва мамлакатимиздаги энг йирик сановат корхонаси мақомини сақлаб қолишида, кўп жиҳатдан, иқтидорли ёш мутахассисларнинг ҳам муносиб ўрни бор. Маълумки, корхона фаолият бошлаган дастлабки йилларда кўплаб маҳаллий ёшлар иш ўрнига иш ва касб маҳоратини ошириш учун дунёнинг ривожланган ўндан ортқ мамлакатига юборилган эди. Бугунги кунда ҳам мутахассислар турли давлатлардаги газ-кимё сановати корхоналарида бўлиб, тажриба алмашиб келишмоқда. Шунингдек, корхонада Кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув маркази фаолият кўрсатмоқда. Мазкур марказ "Сановаттехназорат" давлат инспекцияси томонидан берилган 70 йўналишдаги мутахассислик

уй-жойга бўлган эҳтиёжларини таъминлаш бўйича ҳам ибратли ишлар амалга оширилаётганини

айтиш жоиз. Шу мақсадда 2009 йилда Қарши ва Нуристон шаҳарчасида 346 та коттеж ҳамда



ҳар бири 40 хонадонли 10 та кўп қаватли уй қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай хайрли ишлар Баркамол авлод йилида ҳам жадал давом эттирилмоқда. Хусусан, Фузор туманида 90 та коттеж қурилаётди. Шу билан бирга, мажмуа кўплаб ижтимоий лойиҳаларга ҳомийлик қилмоқда. Кейинги йилларда мажмуа ҳисобидан Қарши шаҳри, Фузор ва Дехқон-обод туманларида бунёд этилган ижтимоий соҳа объектлари, ободонлаштириш ишлари бунга яққол мисол бўла олади. Ўтган йили эса Фузор туманида 50 ўринли туғруқхона комплекси қурилиб, фойдаланишга топширилди. Бундай эзгу ва хайрли ишлар "Шуртангазим" мажмуасининг иқтисодий салоҳияти йилдан-йилга юксалиб бораётганлиги

билан боғлиқ. Жамоада жорий йилда ҳам ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш, янги қувватларни фойдаланишга топшириш бўйича изчил ислохотлар амалга ошириб борилади. Хусусан, "Навоий" эркин индустриал-иқтисодий зонасида учта ишлаб чиқариш корхонасини бунёд этиш устида жадал иш олиб борилмоқда. Айна кунларда диаметри 75 мм.дан 630 мм.гача бўлган полиэтилен ва полипропилен қувурлари, шунингдек, оптик толали кабеллар ишлаб чиқаришга мўлжалланган ушбу заводларда қурилиш-монтаж ишлари қизғин олиб бораётди.

Ҳадемай, бу ерда импорт ўрнини босувчи маҳсулотлар тайёрлаш ўзлаштирилиб, мамлакатимиз иқтисодий қудратини янада юксалиши учун мустаҳкам замин яратилади.

Ҳанифа ШАМШИЕВА, «Халқ сўзи» мухбири. Ҳасан ПАЙДОВЕВ олган суратлар.

Alliance Insurance СУҒУРТА ТАШКИЛОТИ
Хорижга чиқувчи шахсларни тиббий сугурталаш
Келажагингиз ҳақида ALLIANCE INSURANCE билан қайғуринг
Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Миробод к., 35-уй.
Телефон: (8-371) 120-71-00. Факс: 120-70-01.
www.a-insurance.uz
Хизматлар лицензияланган.

